Dehqon elkasiga dunyo tayanar

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

Muassis O'sbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 17 ОКТЯБРЬ. ЖУМА №82 (5.853). Сотувда эркин нархда

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА — ПАХТАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ



СУРАТЛАРДА: Ислом Каримовнинг «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятига ташрифи пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси йиғилишида таъкидланганидек, пахтачиликни тараққий эттириш мамлакатимиз иқтисодий ривожининг устувор йўналишларидан биридир. Чунки пахта муҳим валюта манбаи ҳисобланади. Пахтачиликни эса илғор техника воситаларисиз ривожлантириб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу соҳада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида 15 октябрь куни «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик жамиятида бўлди.

Маълумки, АҚШнинг «Кейс корпорейшн», Узбекистоннинг «Узқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компаниялари ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи муассислигида «Узкейсмаш» Узбекистон-Америка қўшма корхонаси тузилган эди. Мазкур корхонада дастлабки 50 та «Кейс 2022» пахта териш машиналари йиғилди. Улардан қирққа яқини республикамиз пахта далаларида ишлатилмоқда.

Президент ана шу машиналар, уларнинг техник жиҳатлари, ишлаш жараёни билан танишди. Қўшма корхона раҳбарлари, олимлар, мутахассислар ва мазкур машиналарни пахта далаларида ишлатаётган механизаторлар билан мулоқотда бўлди. Машиналарнинг ишлаш унумдорлиги, қулайлиги, бизнинг шароитимизга нечоғлик мос келиши билан қизиқди.

«Кейс 2022» пахта териш машиналарининг афзаллиги нимада? Биринчидан, унинг меҳнат унумдорлиги биз ҳозиргача ишлатиб келаётган машиналардан 3-4 баробар ортиқ бўлиб, кунига 25-30 тонна пахта териш мумкин. Бу машиналар пахта тераётганида уни деярли тўкмайди. Транспорт тезлиги соатига 30 километр бўлиб, уни даладан-далага олиб ўтишда вақт тежалади. Муҳими, машинанинг шпинделлари горизонтал ҳолатда жойлашган, уларни тозалаш, ювиш ишлари эса автоматик тарзда бажарилади. Механизатор учун яратилган қулайликлар айниқса диққатга сазовордир.

Ислом Каримов мазкур қўшма корхона бош директори Жон Боутон билан суҳбатлашди. Корхонани ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурнинг бажарилиши, бу йўлда муаммолар бор-йўқлиги тўғрисида сураб-суриштирди.

Мазкур қўшма корхонани тузишдан мақсад бу ерда «Кейс» машиналарини йиғиш эмас, балки уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир, деди Президент. Бунинг учун эса республикадаги заводларда бутловчи қисмлар тайёрлашни ўзлаштириш лозим. Бу қўшма корхона фаолиятининг бош йўналиши бўлмоғи керак.

Биз «Кейс корпорейшн» компаниясини ишончли ҳамкор, деб биламиз, деди мамлакатимиз раҳбари. У ишлаб чиқарган машиналар эса деҳқонларимизга маъқул тушмоқда. Шундай экан, бу ерда пахта териш машиналари ишлаб чиқариш суръатларини тезлаштириш талаб этилади. Келгуси йили 200 га яқин янги пахта териш машинаси ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Бу биз учун етарли эмас. Чунки фақат республикамиз эҳтиёжларинигина эмас, балки Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбойжон, Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби давлатларда ҳам пахта етиштирилишини, бинобарин, замонавий пахта териш машиналарига талаб борлигини назарда тутиш даркор. Узбекистон далаларида қайси компаниянинг машиналари ишлатилса, шуҳрат қозонса, бу минтақадаги улкан бозорни ана шу компания эгаллашига имконият яратади.

Президент Ислом Каримов «Кейс 4240», «Кейс 5240» маркали уч ва тўрт гилдиракли тракторларни ҳам кўздан кечирди. Машинасоз олимлар, мутахассислар билан Узбекистон қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий техника воситалари билан таъминлаш хусусида гап борди.

Биз узоқ йиллар давомида вертикал шпинделли машиналарни ишлатиб келдик, деди давлатимиз раҳбари. Ҳолбуки, бутун дунёда горизонтал шпинделли машиналарнинг қулайлиги аллақачон исботланган. Техника тараққиётини таъминлашда эркин эмаслигимиз, республикамизда етиштирилган пахта миллиардлаб долларга сотилгани ҳолда, бу мақсадлар учун собиқ марказ томонидан валюта маблағлари ажратилмаслиги сабабли шундай ҳолат рўй берган эди. Бундан ташқари, вертикал шпинделлар бўйича илмий ишлар ёқлаган, унвону мукофотларга эга бўлган айрим олимлар фақат шу йўл тўғри, деб горизонтал шпинделларга доир илмий иш ва ихтироларга йўл бермай, уларни четга суриб келгандилар. Биз бу ҳақиқатни бугун очиқ айтишимиз ва тан олишимиз лозим.

Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда чет эл-даги машҳур компаниялар билан ҳамкорлик қилиш имконияти туғилди. Шу боис биз Узбекистон қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишимиз, бунда келгуси 20-25 йилни назарда тутиб иш кўрмоғимиз даркор. Содда қилиб айтганда, биз учун қандай, неча от кучига эга бўлган тракторлар керак, ё улар қайси мамлакат компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилади?

Олимларимиз деҳқонлар тажрибасини инобатга олган ҳолда ана шу саволларга аниқ жавоб беришлари лозим. Чунки бу ишларни амалга ошириш кўплаб заводларимизни қайта жиҳозлашни, янги цехлар қуришни, қисқача айтганда, халқимиз ишлаб топган маблағнинг маълум қисмини сарфлашни тақозо этади. Мақсад шуки, орадан 4-5 йил ўтиб-ўтмай уларни ўзгартиришга мажбур бўлмайлик, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Гап «Кейс» пахта териш машиналари ҳақида кетаётган экан, унинг афзаллик томонларини эътироф этган ҳолда, камчиликлари бўлса, улардан ҳам кўз юммаслик керак. Олим ва мутахассисларимиз далага чиқиб мазкур машиналарнинг ишлаш жараёни билан атрофлича танишишлари, уларнинг қулай жиҳатлари ва нуқсонларини аниқлашлари лозим. Келаси йили республика бўйича бир миллион 500 минг гектар майдонга пахта экамиз. Келгусида далаларимизда 30-40 минг трактор ишлайди. Шундай экан, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш стратегиясини белгилашда хатога йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ, деди Президент пировардида.

Суҳбатда республикада пахта селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш борасида ҳам гап борди. Президент республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тегишли илмий муассасалар олдига келгуси йилда ҳар бир туман, ҳар бир хўжаликка унинг тупроғи, иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, қандай навли чигит экилишини аниқлаб, тавсия бериш вазифасини юклади.

«Тошкент трактор заводи»га ташриф чоғида Ислом Каримовга Узбекистон Республикаси Бош вазири У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА, (ЎзА).

Бухоро ва Хева 2500 ёшда

ХЕВА ВА БУХОРО КЎП ҚАДИМ МАЪВО, БУТУН МАҲЛИЁДИР ҲУСНИГА ДУНЁ

Истиқлол бизга нафақат ота-боболаримиз орзу қилган озодликни, шу билан бирга бобокалонларимизнинг қалб қўри, ақл-шуури тўкилган, замонлар синовидан омон-эсон ўта билган қадриятларимизни — тарихимиз ва тарихимиз жавоҳирлари, маданий меросимизни ҳам қайтариб берди. Асрлар юкидан «елкаси шилинган» осори-атиқалар қайта таъмирланиб, «ёшлик йиллари»даги ҳуси-чиройини очди.

Яқинда Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига ташриф этган меҳмонларимиз бунга шоҳидлик берган эдилар. Энди эса жаҳоннинг турли минтақаларидан жонажон Ўзбекистонимизга Хева ва Бухоронинг 2500 йиллик тўйида иштирок этиш учун келадиган олиму фузалолар, юрткезар сайёҳлару саньат шинавандалари ҳайрат ила юз берган ўзгаришларни ўз кўзлари билан кўриб холисона баҳолайдилар. Шарқнинг бу икки қадим шаҳри кўп асрлик тарихимизни дунёга яна бир бор намоён этади, шукрки, она-Ватанимизнинг довруғи яна ортади.

Мирзажон ИСЛОМОВ

БОҚИЙЛИК САРИ

Муқаддас шаҳримсан, илоҳий ҳикмат —
Бухоро оламга ярашиқ гултож.
Ожизман тўлиқ сўз айтмоққа бу пайт,
Кўнглимда ортмоқда сенга эҳтиёж.

Уйғониш давридан улкан мозийсан,
Фахримсан, ғурурим — қалбим қўрисан.
Мусаффо кўкдаги очиқ музейсан,
2500 йил — Шарқнинг нурисан.

Оллоҳнинг инъоми — дини исломнинг
Ёғилди Маккадан мангу қудрати.
Имом Бухорий-ла Ҳадис каломнинг —
Нуридан чақнади Ислом суврати.

Қонли воқеалар изин қолдирди,
Искандар босқини — ёғийлар у дам.
Бағрингни аёвсиз Чингиз ёндирди
Сийнанг-у қалбингда қўзғаб ғам-алам.

Бари ўтиб кетди, сен чин барҳаёт —
Асрадинг меросни — бизгача етди.
Улуғлар руҳини этиб эҳтиёт,
Бизга Парвардигор нур ҳадя этди.

Истиқлол туфайли балқди рўшнолик,
Мангу Бухоромсан — ҳурликдан дарак.
Тўйлар шарофатли, дўсту-ошнолик —
Таваллуд топганинг дилдан муборак!

Кўркам обидалар кўксида улғай,
Тошкенту Самарқанд, Хева сингари.
Гўзал Фарғона ҳам ёнингда турғай —
Борамиз қад ростлаб боқийлик сари!!

ВИЛОЯТДА КАРВОНБОШИ

Бу йил мустақил Узбекистонимизнинг деҳқончилиги тарихида ёрқин саҳифалар бисёр. Пахтакорларимиз мисли кўрилмаган даражада ютуқларга ютуқлар қўшишмоқда. Янги усулда — пленка остига чигит экишнинг афзалликлари ҳаммамизни бирдек қувонтирмоқда. Наманган тумани деҳқонлари ҳам катта майдонларда ана шу усулда ғўза ўстиришиб, фидокорона меҳнатлари эвазига далаларда мўлжалдаги ҳосилни етиштиришди.

Терим мавсумига пухта ҳозирлик билан киришилганлиги, мавсум ишларини муваффақиятли ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар ўз вақтида амалга оширилганлиги қисқа муддат ичида ўз самарасини кўрсатди. Туман заршунослари Наманган вилоятида биринчи, яъни карвонбоши бўлиб, зафар маррасини эгалладилар. 23700 тонна хом ашё давлат омборларига келиб тушди. Гектарлар ҳосилдорлиги 34 центнердан ошиб кетди. Туман бўйича уруғлик тайёрлаш режаси ҳам ортиги билан уддаланди.

Туманнинг «Ғайрат», «Туркистон», «Хонобод», Оҳунбобоев номли, «Зарбдор», «Самарқанд» ва «Шербулоқ» сингари пешқадам хўжаликлари салмоқли ҳисса қўшишди. Айниқса, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан Авазбек Тешабоев, «Хонобод» жамоа хўжалигидан Рустамжон Исмоилов, «Туркистон» жамоа хўжалигидан Эргашали Алмонов, «Ғайрат» жамоа хўжалигидан Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Жураев ва бошқа кўплаб миришкорлар етакчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик янада юқори бўлди. Сарҳисоб бўйича бу курсаткич 40—45 центнердан ошиб кетди.

Туман ҳокими Р.Исматуллаевнинг ишонч билан таъкидлашича, режага қўшимча яна 200 тонна хом ашё йиғиштириб олиниб, хирмонларга топширилади. Туман пахтазорларида ҳали ҳосил чўғи мўл, ғайрат-шижоатли заршунослар эса бу аҳдда устувор.

А.ҚОРАБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ХИРМОНГА БАРАКА

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1997 ЙИЛ 16 ОКТЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
ХОРАЗМ	**0,71**	**104,54**
Андижон	1,12	96,28
Қашқадарё	1,45	83,40
Фарғона	0,83	80,66
Самарқанд	1,55	78,65
Наманган	1,17	76,23
Сурхондарё	0,91	74,71
Бухоро	1,09	70,89
Қорақалпоғистон Республикаси	1,18	70,55
Навоий	1,54	68,59
Тошкент	2,38	62,12
Сирдарё	1,61	55,28
Жиззах	2,00	51,35
Республика бўйича	1,31	75,52
1996 йилда	1,12	65,90

ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА

(тонна ҳисобида)

Сурхондарё	1101	62705
Қашқадарё	114	7678
Республика бўйича	1215	70383
1996 йилда	1179	42951

СУВОРИЙЛАР ШИЖОАТИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ КАСБИ ҲАМДА УСМОН ЮСУПОВ ТУМАНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИ ЗАФАР ҚУЧИШДИ. ЭЛ ХИРМОНИГА ТЎКИЛГАН ПАХТА 90 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

«Ғалаба» хўжалиги пахтакорлари «пулат этак»ларга суяниб иш юритишади. Олтмиш фоиз пахта очилгандан кейин машиналарни далага олиб чиқишади. Ва кўрибсизки, ҳар куни йиллик режанинг 6—7 фоизи миқдорида ва ундан ошириб пахта терилади. Хўжаликда пахта йиғим-терими кўпга чўзилмайди.

Хуррам Саломов раҳбарлик қилаётган бўлим далаларининг ҳусну тароватидан тўймайсиз. Уфқ билан туташ пайкаллар оппоқ зарҳал либосда... Луппи-лўппи очилган чаноқлар шу қадар беҳисобки, осмон юлдузларига тенглашгудек.

Мана, терим машиналари ишлаётган пайкалдамиз. Пулат отлар жиловини бошқараётган азаматларни суҳбатга тортиш имкони бўлмади. Улар иш билан бандлар.

— Кўриб турибсизки, пайкалда 6 та терим машинаси ишлаяпти, — деди агроном З. Расулов. — Уларни Салоҳ Содиқов, Ғофур Каримов, Нурали Жамолов, Ўткир Аслонов, Ғайрат Ҳайитов, Бахтиёр Боймуродовлар бошқаришаяпти. Ҳаммаси илғор. Эрталабдан буён саккиз бункердан пахта терилди. Ҳар бир бункерда 800—850 килограммдан пахта бор.

— Хўжалик далаларида қанча терим машинаси ишлаяпти?

— Бугун хўжалигимиз бўйича 30 та терим машинаси ишга тушди. Эрта-индин яна 16 машина далага олиб чиқилади. Қирқ олти машина ишласа, ҳар куни хирмонга 400 тоннага яқин пахта тўкилади. Бултур айрим кунлари йиллик режанинг 8 фоизидан ошириб пахта терилган эди. Бу йил пахта яхши очилган. Бир соат ўтар-ўтмай бункер бўшаяпти. Бугун тўй деса ҳам бўлади. Наим Ҳайитов раҳбар бўлган бригадага қарашли Эргаш Камолов бошлиқ звено йиллик режани бажарди. Бугуннинг ўзида 10 та звено маррага етди.

Хўжалик пахтакорлари 20 иш кунида йиллик режани бажаришди. Гектаридан йиғиштириб олинган пахта 30 центнердан ошди. Жўра Эшонқулов, Абдирайим Эгамбердиев, Зайни Олимов, Хайрулла Аҳмедов, Аҳмад Исмоиловлар раҳбар бўлган бригадаларда 40—45 центнердан пахта териб олинди.

Бултур хўжаликда пахтадан келган даромад 79 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу йил 100 миллион сўмдан ошади.

— Туманимиздаги бошқа хўжаликларда ҳам пахта йиғим-терими жадал, — дейди Касби тумани ҳокими Намоз Сариқов. — «Қашқадарё» жамоа хўжалиги хирмонга 8000 тоннага яқин пахта тўкиб йиллик режани ортиги билан бажарди. Пахтакорлар ялпи ҳосилни 9000 тоннага етказиш учун астойдил бел боғлаганлар. Далада юксак мажбуриятни бемалол бажариш учун етарли ҳосил бор. Ҳурматли Президентимиз туманимизда бўлганларида пахтакорларимизга юксак ишонч билдириб, режадан ташқари камида 10 минг тонна оқ олтин йиғиштириб олиш имконияти борлигини айтган эдилар. Ялпи пахта ҳосилини 67 минг тоннадан оширамиз, деган ваъдамизни уддалаш учун ғайрат билан ишлаяпмиз.

Ғолиблар ҳақида сўз юритар эканмиз, Усмон Юсупов тумани пахтакорларининг меҳнат ютуқларини албатта тилга олиб ўтамиз. Улар бугунги кунда эл хирмонига 33 минг тонна жавоҳир тўкиб, чўл шароитида мўл пахта ҳосили етиштириш мумкинлигини яна бир бор исботладилар. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи навларга сотилди.

Бозор ЭРҚОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ДОВОН ОШГАН ТУМАНЛАР

Андижон вилоятида бир йўла беш туман — Хўжаобод, Жалолқудуқ, Олтинкўл, Шаҳрихон ва Балиқчи туманлари пахтакорлари маррага етдилар. Хўжаободликлар салкам 8 минг тонна, жалолқудуқликлар қарийб 22,5 минг тонна, олтинкўлликлар 20 минг 230 тонна, шаҳрихонликлар 28 минг тонна, балиқчиликлар 35 минг 790 тонна «оқ олтин» топширдилар.

(ЎзА).

Ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳаётий зарурат

БУГУННИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида иқтисодиётимизнинг ана шу муҳим тармоғида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий йўналишларини баён этиб берди. Мажлисда қишлоқ хўжалигини илмий асосда изчил ривожлантирмай туриб тараққиётга эришиб бўлмаслиги, халқимизнинг кундалик эҳтёжини таъминлашда, барча соҳаларда ислоҳотларни тўла рўёбга чиқаришда деҳқончиликнинг ўрни беқиёс экани алоҳида таъкидланди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимларининг жойларда бўлиб ўтаётган йиғилишларида ана шу вазифаларни амалга ошириш йўллари белгилаб олинмоқда.

● **ТОШКЕНТ**. Вилояти ҳокимлигида Президент Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлди. Унда деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, тегишли ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э.Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда йўлбошчимиз комиссия мажлисида вилоят қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида тўхталгани, бу борадаги камчилик ва муаммоларга эътиборни жалб этгани таъкидланди. Сўзга чиққанлар Президентимизнинг ана шу тавсиялари ва кўрсатмалари асосида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликни изчил ривожлантириш йўллари, жумладан, маҳсулот етиштирувчилар билан қайта ишловчилар ўртасидаги контрактация шартномаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш, тажриба тариқасида жорий этилган пайчилик ва оилавий пудрат усулларини кенг ёйиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда бу йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

● **САМАРҚАНД. Вилоят ҳокими А.Мардиев раислигида ўтган йиғилишда аҳолининг яшаш тарзи, иқтисодий аҳволи, турмуш фаровонлиги шу соҳага боғлиқлиги таъкидланди. Бироқ, кейинги йилларда тармоқни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмади. Айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда қолоқлик юзага келди.**

Ошкора мулоқот тарзида ўтган йиғилишда қолоқлик сабабларидан бири уруғчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмагани, техника, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмаганлигида экани уқтириб ўтилди. Бунга ҳозир амалда бўлган тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатларни яхши билмаслик, ёки уларга риоя қилмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда илм-фан ютуқлари, илғор технологияларга асосланиш, қишлоқ хўжалик экинларининг маҳаллий шароитларга мос серҳосил, эртапишар навларини яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

● **ФАРҒОНА.** Йиғилишда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида Президентимиз Ислом Каримов кўрсатиб утган камчилик ва нуқсонлар вилоятда ҳам мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилди. Жойларда қишлоқ хўжалигини илмий асосда ривожлантиришга етарли эътибор берилмади. Бунинг оқибатида утган йили пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 23,6 центнерни ташкил этди, холос. Ғаллачиликда ҳам кўзланган мақсадга эришилмади. Уруғлик навларини танлаш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Деҳқон-фермер хўжаликлари, оилавий пудратни ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.

Йиғилишни вилоят ҳокими Н.Муминов бошқарди.

● **АНДИЖОН. Вилоят ҳокими Қ.Обидов раислигида ўтган йиғилишда сўзга чиққанлар йўлбошчимизнинг комиссия мажлисида андижонлик деҳқонлар ишига юқори баҳо бергани, уларни ибрат қилиб кўрсаттани деҳқонлар зиммасига алоҳида масъулият юклашини таъкидладилар. Чунки мамлакатимиз хўжаликларини сара уруғлик билан таъминлаш кузги буғдой экишни янада тезкорлик билан сифатли ўтказиб, келаси йил юқори ҳосилига замин яратишни тақозо этади.**

Йиғилишда мамлакатимиз раҳбарининг тавсиясига биноан ҳар бир туман ва хўжаликда чигитнинг бир неча турларини синовдан ўтказиб, энг мақбулларини танлаб олишни йўлга қўйиш, бундан уч-тўрт йилдан кейинги экиладиган навларни ҳозирданоқ танлаб бориш вазифаларини ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

● **НАВОИЙ.** Йиғилишни вилоят ҳокими Ҳ.Ғаффоров бошқарди. Унда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун вилоятда аввало шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермерларнинг деҳқончилик қилиши учун барча шароитни яратиш, уруғчиликка эътибор бериш, шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, бунинг учун эса мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш зарурлиги ҳақида гап борди. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётганлигини ўрганиш комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

● **ҚАРШИ. Йиғилишда вилоят ҳокими О.Пармонов сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида ўртага қўйган вазифалар соҳани ривожлантириш билан боғлиқ барча ишларда дастуриламал бўлишини таъкидлади.**

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантиришда фан ва техника ютуқлари, илғор тажриба, жумладан, чигитни плёнка остида парваришлаш тажрибасидан кенг фойдаланиш, вилоят тупроқ-иқлим шароитига мос эртапишар ва серҳосил навларни экиш, деҳқонларнинг пираворд иш натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг турмуш шароитини тинмай яхшилаб бориш орқали соҳани ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

(ЎзА).

ЭЛЛИККАЛЪА ИБРАТИ

«Элликқалъа»! Бундан атиги чорак аср муқаддам мазкур атама тилга олинганида минг йиллар давомида сувсизликдан қақраб ётган бийдек биёбон, ҳар ҳовучи олтинга тенг оқар сувга мушток саҳро, ёввойи чўлдаги ўнлаб йирик қадимий қалъа ҳамда қўрғонлар англанар эди, холос.

Бугун Элликқалъани мамлакатимизда ҳам, ундан ташқарида ҳам яхши билишади, тадбиркорлик таомилга айланган, иқтисодий ислоҳотлар изчил юзага чиқаётган ҳудуд сифатида тан олишади.

1994 йилининг 24 ноябрида Элликқалъада мустақил мамлакатимиздаги энг йирик тўқимачилик мажмуаларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси — «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти фойдаланишга топширилди. Ундан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб Элликқалъа деҳқонлари мамлакатимизда биринчи бўлиб, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғида мулк шаклини ўзгартирдилар...

1997 йилнинг 27 январида Республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишлаб ўтказилган мажлисда Президентимиз Ислом Каримов сўзни биринчи бўлиб Элликқалъа туманидаги «Сарибий» фермалар уюшмаси раиси Йулдош Авазниёзовга берди.

1997 йилнинг 7 октябрида Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг илк мажлисида Президентимиз Ислом Каримов сўзни биринчи бўлиб Элликқалъа тумани ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси депутати Аминбой Тожиевга берди... Буларнинг мантиқий хулосаси, белгиланган тадбирлар ва амалий ишларнинг пировард натижаси сифатида кундалик луғатимизда «Элликқалъа ибрати», «Элликқалъа тажрибаси», «Элликқалъа иш йўсини», боринги, деҳқончилик тизимида ишни ташкил этишнинг Элликқалъа усули иборалари пайдо бўлмоқда.

Хўш, бугун Элликқалъа қуриғи, пешқадам туман таржимаи ҳоли асосан қандай жиҳатларга эга? Мазкур чўл қай йўсинда, кимлар томонидан ўзлаштирилди? Қўриқ диерининг яқин ўтмиши, бугунги куни ва истиқболига қай тарзда таърифу тавсиф бериш мумкин?

Авваламбор олис ўтмишга қисқача хаёлий сайр қилишга уриниб кўрсак. Бундан 30 йил муқаддам Элликқалъа даштига қадам қўйган сайёҳ ҳар қаричда қўҳна қалъалар, қўрғонлар харобаларини кўриши мумкин эди. Уларнинг сони етмишинчи йилларнинг ўрталарида 250 тадан ортиқ эди. Эрамизнинг дастлабки асрларида Хоразм давлати ҳукмдорларига, шу жумладан улуғ подшо Вазамарга қароргоҳ бўлган Тупроққалъа, қудратли давлат қўшинлари манзили Қизилқалъа, йирик Кушон салтанатининг энг муҳташам, энг мустаҳкам қўрғонларидан бири, баланд мармар тагзамин устига қурилган Аёзқалъа, шаҳри Кат (ҳозирги Беруний шаҳри)да 7 аср ҳукм сурган афригилар даврига оид Элликқалъа, Бургутқалъа, Қувбостанқалъа, Қирққизқалъа, Уйқалъа, Эски Норинжон шаҳри, Буюк Хоразмшоҳлар — ануштегинлар чоғида гуллаб-яшнаган, мўғул истилочиларига қаттиқ қаршилик кўрсатган Гулдурсунқалъа, Қаватқалъа, янги Норинжон шаҳри ва бошқа ўнлаб ёдгорликлар шавкатли тарихимизнинг тилсиз гувоҳлари ҳисобланади. Истилою истибдодлар, тажовузу босқинлар, сувсизлик оқибатида бу ерлар асрлар давомида ҳувиллаб ётди.

Элликқалъа қуриғини ўзлаштириш қачон бошланди? Бу чўлга «минг йиллик танаффус»дан сўнг ким биринчи бўлиб экин экди?

Бу саволларга жавоб бериш учун етмишинчи йилларнинг боошига қайтишимиз лозим. Инсоннинг саҳро билан, оқар сув кутиб қақраган қўриқ билан танишув тафсилоти эса қуйидагича рўй берган.

Ҳозирги Элликқалъа тумани таркибида, Тўрткўл шаҳри яқинида қадимий Амиробод овули бор. Бу фуқаролар йигини, Ғани Одилов номидаги фермерлар уюшмасида Қорақалпоғистон Республикасидаги ягона уруш қаҳрамони Иноят Наврўзбоев яшайди. Аслида амирободликларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнати билан эл-юрт манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатаётган қаҳрамонлардир. Ана шу ажойиб элат азаматлари 1969 йили Элликқалъа («Елли, шамолли, шабадали қалъа маъносини беради) қўрғони атрофларида дағал хашак жамғарадилар. Хашак жамғарувчилар қайсидир саксовул соясида ўтириб тушлик қиладилар, сўнгра қишлоқдан келтирган тарвузни суйиб ейишади. Тарвуз уруғларини шамол қум билан кўмади, ёмғир, қорлар ёғади...

Хашак жамғарувчилар 1970 йили кеч ёзда яна Элликқалъага келадилар. Тушликда ўша саксовул соясига отланадилар. Биринчи борган одам ҳайратдан тўхтаб, тили калимага келмай қолади. Улар бориб қарашса, ҳар бири бемалол ўттиз килограмм келадиган тарвузлар пишиб ётганмиш. Нарироқ боришса, янтоқлар орасида яна бир неча туп тарвузлар ширраси ичига сиғмай ётарди. Жамоа хўжалигининг ўша пайтдаги раиси, бугунги кунда меҳнат нуронийси, Амиробод элининг ҳурматли ёшуллиларидан бири Ҳикматулло Фахрутдинов хашак жамғарувчиларга саҳро тарвузини суйиб улашар экан:

— Минг йиллар аввал бу ерларни ота-боболаримиз гуллаб-яшнатишган. «Оққан дарё оқмай қолмас» деганларидек, энди бу чўлни қайтадан узлаштириб экинзорларга, боғ-роғларга айлантирса бўлади! — деди. Сўнг уларнинг фикрини сўради.

— Оқар сув бўлса бу ерга кетмоннинг дастасини суқсангиз ҳам гўжумга айланади! — деди йигилганлардан бири. «Тарвуз воқеаси» амирободликларнинг қалбига «чўг» ташлади. 1971 йилнинг 14 мартида улар Элликқалъага келиб, ер очишди, 30 гектар ерга маккажўхори экишди, озуқа экинини «Қизилқум» коллектори сувидан пропеллер насос билан суғоришди. Маккажўхори маданий минтақадагидан ҳам дуркунроқ ўсди. Чўлнинг илк экинзорини Тўрткўл туманининг ўша пайтдаги раҳбари, катта ташкилотчи, марҳум Норбой Қурбонбоев келиб кўрди, бу ерга бир неча хўжалик раисларини бошлаб келди, чўлни узлаштириш борасидаги дастлабки ишларга бош-қош бўлди. Таниқли ташкилотчи, марҳум Қосим Нуримбетов етакчилигидаги Беруний тумани хўжаликлари ҳам қўриққа қизиқиш билан қарай бошладилар. Саҳрога қудратли техника келтирилиб, ерни узлаштириш, ирригация ва мелиорация шоҳобчалари қазишга киришилди.

Элликқалъа қуриғининг таржимаи ҳоли, жасоратга тўлиқ солномаси бундан чорак аср муқаддам, 1972 йилдан бошланди. Шу йили чўлда Тўрткўл ва Беруний туманларидан бир неча ўн сайёр бригадалар иш бошлади. Оқар сувни, уруғни «соғинган» заминга чигит қадалди. Бу ишни юқорида қайд қилинган Амиробод элидан келган машҳур чўлқувар Очил Рузимов бошлаб берди.

Ўша йили Узбекистон ҳукуматининг «Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги махсус қарори чиқди. Унинг бир неча банди бевосита Элликқалъа мавзесини узлаштириш, масаласига бағишланган эди. Чўлни ёппасига узлаштириш ишига элнинг ўнлаб азаматлари бел боғладилар. Улар орасида Тўрткўл туманининг Шурахон қишлоғидан Давлат мукофоти соҳиби, марҳум Искандар Оллоберганов, Уллубоғ қишлоғидан Меҳнат Қаҳрамони Норбой Рўзимбетов, Боғеб қишлоғидан Саодат Қўрбонбоева, Беруний туманининг Қиличиноқ қишлоғидан Комилжон Абдураимов, Шоббоз қишлоғидан Урозбой Рейимов ва юзлаб чўлқувар-лар бор эди. Бу кенг қуламли ҳаракатга Узбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари, узбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов, Қорақалпоғистоннинг у чоғдаги етакчиси, бугунги кунда меҳнат нуронийси Қаллибек Камолов, Узбекистон ва Қорақалпоғистон миқёсидаги раҳбарлардан Нормаҳонмали Худойбердиев, марҳум Йулдош Қурбонов, Солижон Мамарасулов, Исмоил Жўрабеков, Абдукарим Уркинбоев, Ережеп Айитмуротов, Александр Юриц, Олимбой Примов, Сауқим Жамонқораев, маҳаллий етакчилардан юқорида қайд қилиб ўтилган Норбой Қурбонбоев, Қосим Нуримбетовдан бошқа Олимбой Ражабов, Тули Маткаримов, марҳум Абдуҳолиқ Туқсабиновлар сарбонлик қилишди. Дастлабки минг гектар ерлар узлаштирилди, илк каналлар, коллекторлар қазилди. 1973 йилда Элликқалъа қўриғининг қалдирғоч хўжаликлари — Эгамберди Рейимбоев бошчилигидаги «Узбекистон 50 йиллиги», ҳозирги «Янгиер» жамоа хўжалиги ва Шариф Урозбоев саркорлик қилган «Элликқалъа» жамоа хўжалиги тузилди. Кейинги йили «Жанубийқорақалпоқсувқурилиш» трести ташкил этилиб, чўлга ҳужум янада кенг миқёс касб этди. Бу трестнинг «Қирққиз», «Оқчакўл», 1-сон, 2-сон кўчма механизациялашган колонналари ер очиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатдилар. Сўнгра улар қаторига яна бир неча қурилиш ташкилотлари қўшилди. 1975 йилда чўлда Қорақалпоғистон жанубидаги қалдирғоч боғдорчилик хўжалиги тузилди.

1973 йилда чўлни ёппасига узлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган катта бир йиғинда Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов қуйидаги қайноқ сатрларни ўқиган эди:

Ойдин бўлиб яна иқбол гузари,
Замони бирларнинг ҳамали келди.
Даврон ўнг айланиб, дунё яшариб,
Элликка эл қўнар маҳали келди.

Ҳа, шоир лутф этганидек, марказий Фарғона, Мирзачўл, Сурхон—Шеробод, Қарши қўриқларидан сўнг Элликқалъа даштига янгидан «жон» кирди, бу ерга эл келиб, уни Ватан тутди.

Ва ниҳоят 1977 йилнинг 23 мартида Узбекистон Олий Кенгаши Раёсатининг Қорақалпоғистон Республикаси таркибида янги Элликқалъа туманини тузиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Тумандаги асосий раҳбарлик лавозимларига Олимбой Примов, Аминбой Тожиев, Марям Медетова, Шамшет Аминов, Зарифбой Хўжаниёзов, Неъматулло Худойберганов каби муносиб кадрлар танланди. Уларнинг саъй-ҳаракати, чўлқувар элнинг мардона меҳнати туфайли туман ташкил топган йилнинг ўзидаёқ 41 минг тонна пахта етиштирилди. Элликқалъа Қорақалпоғистон пахтачилигининг таянч ҳудудларидан бирига айланди. Бу фикримизни ўтган 20 йил давомида элликқалъаликлар пешона тери эвазига етиштирган қўриқ дурдонаси, чўл пахтаси 900 минг тоннадан ошиб кетгани яққол исботлаб турибди!

900 минг тонна «оқ олтин»! Қўкка етгулик бу хирмонда туманни бошқарган Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган муҳандис, иқтисод фанлари номзоди Олимбой Примов, Абдулла Юсупов, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Оллоназар Болтабоевич Жуманиёзов ва туманга 1992 йилдан буён муваффақиятли етакчилик қилиб келаётган Бобожонов, Аминбой Қиличев, Сафарбой Хўжаниёзов, Шеримбет Нуримбетов, Болта Қурбониёзов, Қурбоной Жўрабоева, Искандар Олломов, Ражабгул Ҳамроева, Қарри Қулиев, Шарифбой Авезов каби уста пахтакорлар етишиб чиқиб, бутун Қорақалпоғистонга шуҳрат тараётдилар.

Халқимизда азал-азалдан «Минг қўшчига — бир бошчи» деган нақл бор. Утган даврда қўриқ туман тараққиёти катта авлодга оид хўжалик етакчиларидан Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Олимов, Қаландар Бойназаров, Ҳикматулло Фахрутдинов, Саъдулла Раҳмонов, Ражаб Худойберганов, Бегимбой Ибодуллаев, Шариф Урозбоев, Эгамберган Рейимбоев, Юсуфбой Полвонниёзов, марҳум Айитбой Юсупов, кейинги авлодни ташкил этувчи Йулдош Авазниёзов, Сафарбой Рейимов, Халилла Қўшназаров, Давлат Бекжонов, Рейимбой Абдуллаев, Турабой Отабоев, Ботирбой Матниёзов, Уктам Ражаббов, Ибодулло Каримов, Норбой Давлетов ва бошқалар муносиб улуш қўшдилар, қўшаётирлар.

Мустақиллик Элликқалъа тумани ривожи учун истиқболнинг катта эшикларини очиб берди. Туманнинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги ривожида янги босқич бошланди. Истиқлолга эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида элликқалъаликлар 241 минг тонна пахта, 1000 тоннадан кўпроқ пилла, кўплаб миқдорда сут, гўшт, мева етиштиришди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармонлари, бозор муносабатларини қарор топдиришга йўл очиб берувчи қонунлар туман меҳнаткашлари томонидан собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Энг аввало Элликқалъада етиштирилаётган пахта толасинигина эмас, ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш тадбирлари белгиланди. Бу элликқалъаликлар мамлакат деҳқонларига кўрсатган биринчи ибрат бўлди. Мазкур ишнинг ибтидоси 1992 йилнинг 5 август куни бошланиб, хўжаликлар, ташкилотлар ҳиссадорлар сифатида бирлашиб, «Элтекс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини таъсис этдилар. Жамиятнинг Низом катта ташкилотчи, Узбекистон Олий Мажлиси депутати, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган механизатор Аминбой Ҳамроевич Тожиевдан тортиб оддий сувчи, механизатор, теримчигача, барчабарчанинг салмоқли улуши бор.

20 йил ичида Элликқалъадан турли авлодга мансуб бригада бошлиқлари, Худойберганов, Аминбой Қиличев, Сафарбой Хўжаниёзов, Шеримбет Нуримбетов, Болта Қурбониёзов, Қурбоной Жўрабоева, Искандар Олломов, Ражабгул Ҳамроева, Қарри Қулиев, Шарифбой Авезов каби уста пахтакорлар етишиб чиқиб, бутун Қорақалпоғистонга шуҳрат тараётдилар.

Халқимизда азал-азалдан «Минг қўшчига — бир бошчи» деган нақл бор. Утган даврда қўриқ туман тараққиёти катта авлодга оид хўжалик етакчиларидан Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Олимов, Қаландар Бойназаров, Ҳикматулло Фахрутдинов, Саъдулла Раҳмонов, Ражаб Худойберганов, Бегимбой Ибодуллаев, Шариф Урозбоев, Эгамберган Рейимбоев, Юсуфбой Полвонниёзов, марҳум Айитбой Юсупов, кейинги авлодни ташкил этувчи Йулдош Авазниёзов, Сафарбой Рейимов, Халилла Қўшназаров, Давлат Бекжонов, Рейимбой Абдуллаев, Турабой Отабоев, Ботирбой Матниёзов, Уктам Ражаббов, Ибодулло Каримов, Норбой Давлетов ва бошқалар муносиб улуш қўшдилар, қўшаётирлар.

Мустақиллик Элликқалъа тумани ривожи учун истиқболнинг катта эшикларини очиб берди. Туманнинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалиги ривожида янги босқич бошланди. Истиқлолга эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида элликқалъаликлар 241 минг тонна пахта, 1000 тоннадан кўпроқ пилла, кўплаб миқдорда сут, гўшт, мева етиштиришди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Фармонлари, бозор муносабатларини қарор топдиришга йўл очиб берувчи қонунлар туман меҳнаткашлари томонидан собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Энг аввало Элликқалъада етиштирилаётган пахта толасинигина эмас, ундан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни жаҳон бозорига чиқариш тадбирлари белгиланди. Бу элликқалъаликлар мамлакат деҳқонларига кўрсатган биринчи ибрат бўлди. Мазкур ишнинг ибтидоси 1992 йилнинг 5 август куни бошланиб, хўжаликлар, ташкилотлар ҳиссадорлар сифатида бирлашиб, «Элтекс» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини таъсис этдилар. Жамиятнинг Низом жамғармаси 10 миллион сўм миқдорида белгиланиб, акция чиқарилди ва савдога қўйилди. Туман ҳамда қўшни туманлардан ўнлаб, юзлаб фуқаролар, ташкилотлар бу акцияларни сотиб олдилар. Тўқимачилик мажмуини қуриш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш юзасидан Туркиянинг «Йазекс текстайл инкорпорейтед» корпорацияси билан шартнома тузилди. Ускуна ҳамда хизматлар баҳоси ўша пайт нархларида 18 миллион 350 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланди, тегишли йўсинда ҳисоб-китоб қилинди. Янги корхона Италиянинг «Марцоли», «Савио», «Римольди», Олмониянинг «Дюркоп-Аддер», Туркиянинг «Даниш» каби компаниялари дасттоҳлари билан жиҳозланди. Қўшма корхона қисқа муддатда қўриб фойдаланишга топширилди. Мана, уч йилдирки, «Элтекс» баҳоли қудрат Узбекистон ва Қорақалпоғистонининг экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Тўқимачилик корхонаси 1995 йилда 42 миллион, 1996 йили 222 миллион сум соф фойда олиб, ўз ҳиссадорларига 1995 йилда 11,8 миллион, 1996 йилда 23,9 миллион сўм дивиденд тақсимлади. Айни пайтда саховат тадбирини амалга ошириб, 26 минг нафар элликқалъа ўқувчиларга 2 марта бепул мактаб кийим-боши тикиб тарқатди.

Элликқалъа ибрати, Элликқалъа тажрибасининг иккинчи босқичи, юқорида қайд қилинганидек, 1995 йилнинг 1 январидан бошланди. Шу куни тумандаги мавжуд ҳайдаладиган асосий ерлар 1935 фермерга 50 йил муддатга мерос ҳуқуқи билан берилди. Бу тўғрида Узбекистон ҳукуматининг махсус қарори чиқди.

Хўш, Элликқалъа тажрибасининг бош моҳияти нимадан иборат? У қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг аввалги шаклларидан нимаси билан фарқ қилади?

Энг биринчи жиҳати шундаки, туман тарихида биринчи марта 1935 нафар фуқаро ўзини мулкдор, шартномада белгиланган муддатга ер эгаси, пировард натижалардан тўла манфаатдор шахс деб ҳис қиладиган, ишлаб чиқариш воситаларига ўз уйидаги жиҳозларига қарагандек муносабатда буладиган, уларни, энг муҳими ерни асраб-авайлайдиган, унинг унумдорлигини оширадиган бўлди. Собиқ Шуро империяси даврида эса ернинг умумийлиги, пировард натижаларга нисбатан бефарқлик боқимандалик кайфиятининг кенг илдиз отишига йўл очган эди. Фермерчилик элликқалъаликлар тафаккурида бутунлай янги муносабатларни шакллантирди.

Меҳнатни ташкил этишнинг янги усули тез орада ўзининг самараларини бера бошлади. Буни тумандаги пешқадам фермерлар уюшмалари мисолида яққол ҳис қилиш мумкин. Масалан, бугунги кунда мустақил мамлакатга яхши таниш раҳбар Йўлдош Авазниёзов етакчилик қилаётган «Сарибой» хўжалигида 1995 йилнинг 1 январида мавжуд ерлар 197 фермерга тақсимлаб берилди. Ҳар бир фермер мул, юқори сифатли пахта олиш учун курашди. Натижада кузда 177 фермер зиммасидаги топшириқни ортиғи билан бажарди. Уюшманинг ўзи давлатга 4318 тонна «оқ олтин» сотиб, режани ошириб уддалади. Кўп йиллар давомида йиллик режани бажаролмай келаётган, қарзлари кўпайган жамоа бир йилда қаддини тиклади. Пировард якунларга кўра 613 тонна тола, 130 тонна усимлик ёғи, катта миқдордаги қунжара ва шелуха уюшма тасарруфида қолдирилди. Ялпи 62,9 миллион сум даромад олиниб, соф фойда 2 миллион 765 минг сумни ташкил этди. Бундай мисолларни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Сафарбой Рейимов раҳбар «Бустон», ишчан етакчи Халилла Қўшназаров саркорлик қилаётган «Элликқалъа», ёш иқтисодчи Нуриддин Фахрутдинов сарбон Ғани Одилов номидаги фермерлар уюшмалари фаолиятидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Утган йили туманда 4 та фермерлар уюшмаси пахта тайёрлаш режасини бажарди. Юқорида қайд қилинганидек, улар катта миқдорда иқтисодий фойда олдилар. Аммо Элликқалъа тажрибасининг яна бир муҳим жиҳати шу бўлдики, режани бажармаган уюшмалардаги шахсий топшириқларини уддалаган фермерлар тегишли усимлик ёғи, қунжара ва шелухасини олдилар. Улар бу имтиёзни чин маънода мулк эгалари эканлиги, бозор муносабатларига ўтганликлари боис қўлга киритдилар. Буни туман миқёсида ҳисоблаб чиқадиган бўлсак, ўнлаб, юзлаб оилаларнинг иқтисоди кўтарилди, демакдир.

Шу йил 7 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича элликқалъаликлар амалга ошираётган ишлар тўғрисида алоҳида тўхталди, бу юзадан қимматли кўрсатмалар берди. Элликқалъа тажрибаси ҳақида туман ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси депутати Аминбой Тожиев муфассал сўзлаб берди.

Элликқалъалик фермерлар сув ниҳоятда тақчил бўлган ушбу йилда ҳам 40 минг тонналик режани қоплайдиган даражадаги ҳосилни етиштирдилар. Айни кунда қўриқ туман зафар маррасига тобора яқинлашмоқда. Топшириқни уддалаш билан биргаликда режадан ташқари 3 минг тонна чўл пахтаси йиғиштириб олиш, шу йўл билан ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида нишонланадиган Элликқалъа қўриғининг 25, туман тузилганлигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир ғанимат дамдан самарали фойдаланилмоқда!

Янгибой КЎЧҚОРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

«Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорлик жамиятига янги мавсумнинг илк тонналари келтирилган қувончли лаҳзалар.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

ХЕВА ВА БУХОРО КЎП ҚАДИМ МАЪВО, БУГУН МАҲЛИЁДИР ҲУСНИГА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН — ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ВА ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАРИНИ САНАБ АДОҒИГА ЕТИШ ҚИЙИН БЎЛГАН МАМЛАКАТДИР.

Ислом КАРИМОВ.

МАМЛАКАТИМИЗДА буюк ўзгаришлар силсиласи давом этаётган тарихий даврда яшаяпмиз. Утаётган ҳар бир кун мустақил Ўзбекистон пойдеворига, келажагига, буюк давлат булиб шаклланишига замин яратмоқда. Озодлик туфайли Бухоро ўзининг иккинчи умрини бошлади десак, хато бўлмас.

2500 йиллик муборак тўйини нишонлаётган бу қадим шаҳар нафақат Шарқнинг, балки жаҳон маънавиятининг бебаҳо дуру гавҳари ҳисобланган. Негаки, жаҳондаги етти Шарифнинг бири булган Бухоро Уйғониш даври тараққиётининг марказларидан саналган. Европадаги бир қатор мамлакатлар маданияти ҳам қадим Моваройуннаҳр, Бухоро маънавияти таъсирида шаклланиб, ривожланган. Шаҳримизнинг бой ўтмиши ҳақида бундан минг йилларча олдин ёзилган Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абу Ҳасан Нишопурийнинг «Хазоинул-улум» (илмлар хазинаси) асарларида ёрқин мисоллар келтирилган.

Инсониятга нур, маърифат, маданият улашган бу меъморий лойиҳада қурилган девору гумбазлари дарз кетган, нураб қолган эди. Аммо Бухоронинг қўли гул усталари ота-боболарининг нафис меъморчилик усулларини ҳар томонлама ўрганиб, нозик сирларини қалбдан ҳис қилиб, маҳобатли гумбазларни, осмонўпар минораю мадрасаларни қайта тикладилар, уларга асл қиёфасини бахш этдилар.

Биз бухоролик усталар билан бир қаторда меҳнат қилган Тошкент, Самарқанд, Қарши, Навоий, Жиззахдан келган таъмирчи усталарга ҳам бугунги байрам арафасида ташаккур айтамиз. Чунки уларнинг иқтидори, нафис санъати, ғайрати ва беминнат ҳиммати билан шаҳримиз янада чирой очди.

Вилоятимиз меҳнат аҳли ҳам юбилей йилида ўзгача руҳ, ўзгача ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Пиллакорларимиз бу йил мамлакатга 2600 тонна кумуш тола етказиб бердилар. Аниқса, дон мустақиллигини таъминлаш йўлида шаҳдам қадамлар қўйилди. Олтин бошоқ фидойиларимиз йиллик режани республикада иккинчи бўлиб уддаладилар. Айни кунда улар 1998 йил галласини экишни октябрь ойида тугаллаш учун курашмоқдалар. Пахтакорларимиз ҳам Бухорининг 403 минг тонналик оқ олтин хирмонини барпо этиш ниятида далаларда фидокорлик кўрсатмоқдалар. Хуллас, вилоятимиздаги 173 та жамоа хўжалиги, 10 та ижара корхонаси, 864 та фермер хўжалиги, ўнлаб-юзлаб корхона ва ташкилотларда тўйга муносиб совға тайёрлаш ниятида меҳнат қилинмоқда.

Шу йилнинг 9—21 июнь кунлари ЮНЕСКОнинг Париж қароргоҳида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари кенг нишонланди. Нуфузли анжуманда Бухорога бағишлаб тарихий маданий кўргазма ташкил этилди. Унда Исмоил Самоний мақбараси ва бошқа меъморий обидаларнинг макетлари, Варахша қалъасидаги девор сурат-нусхаси, Амир Темур учун ипланган шамдон, қадимий китоблар, археологик-қазилмалар чоғида топилган буюмлар, тангалар, ёғоч ўймакорлиги, мис кандакорлиги, зардўзлик ва халқ амалий санъатининг бошқа турларидан намуналар қўйилди. Яна Бухоро ҳақида ҳикоя қилувчи француз тилидаги видеофильм намойиш этилди. Хуллас, Парижда халқ амалий санъати, мусиқа, илмий тадқиқот, ҳужжатли фильм ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган 14 йўналиш бўйича давом этган катта тантаналарда бу ерга йиғилган меҳмонлар янада Бухоро тарихи, маданияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилдилар. Шуни алоҳида қувонч билан таъкидлашни истардимки, бугунгача ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига 1 миллиард 700 миллион сўм сарфланган бўлса, шундан фақат 250 миллиони давлат маблағи, қолгани корхона ва ташкилотлар ҳисобидан бўлди. Ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларида минглаб бухородиклар беминнат, саховат кўрсатиб ишладилар.

Энди бевосита байрам кунида ўтказиладиган тадбирларга ўтталсак, тантаналар дастури ниҳоятда қизиқарли. Ўзбекистон халқ артисти, иқтидорли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган Бухоро тарихи ва бугунги кунини ўзида акс эттирган театрлаштирилган катта томоша дастури намойиш этилади. Олимлар, тарихчилар иштирокида Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йиллиқда» мавзуида халқаро симпозиум ҳамда «Бухоро ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» халқаро анжумани ўтказилади. Байрам тантаналарига 50 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюради. ЮНЕСКО ижроқўмининг 13 аъзоси ҳам Бухоронинг азиз меҳмони бўлишади. Замонавий услубда қурилган, барча шарт-шароитларга эга булган тўрт юлдузли «Бухоро» меҳмонхонаси улар хизматида булади.

Шаҳар юбилейига маърифий жиҳатдан ҳам алоҳида тараддуд кўрилди. Олий ўқув юртларида, ўрта мактабларда, барча тарбия муассасаларида, корхона ва ташкилотларда Бухоро тарихи ва маданиятининг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, миллий қадриятларни ишларимизга чуқурроқ сингдириш юзасидан турли учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилди. 2500 йиллик муносабати билан барча ижодкорлар, шоирлар, ёзувчилар, мусаввирлар, санъаткорлар ўртасида Шариф шаҳарга атаб яратилган энг сара асарлар конкурси уюштирилди.

Бухоро тарихини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни акс эттирган китоблар, буклетлар, реклама материаллари тайёрланди. Тарихчи олим В. Ч. Сааковнинг «Бухоро: юз савол ва жавоб», Д. Ҳалимованинг «Бухоро кандакорлиги» китоблари нашр этилди. «Бухоро тарихи: афсона ва ҳақиқатлар», «Бухоро дипломатияси», «Бухоро заргарлик маҳсулотлари», «Бухоро ва Франция» китоблари юбилейга совға сифатида тайёрланди. Мамлакатимиз халқлари юбилей баҳона Шарқнинг илм-маърифат маскани — Бухорони, ўз илдизлари туташган нури жаҳон заминни қайта кашф этдилар. Ҳа, юртбошимиз таъкидлаганларидек **«Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди. Аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббати илк нафас ила жисми жонимизга киради. Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз, шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга муқаддас мерос қилиб қолдирамиз».**

ИЙМОН ҚАЛЪАСИ

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

қадим шаҳар тарихда кўп талафотлар кўрди. Юнонлар, араблар, мўғуллар, Чор Россияси босқини, эҳ, ҳе, у неча бор вайрон этилса-да, Хумо қуши янглиг қайта қад ростлайверади. Буюкликнинг шундай бир ҳикмати борки, бу умрбоқийликдир. Уни на ўтда куйдириб, на сувда оқизиб булади. У Тангри ато этган энг олий неъмат сифатида на давр сиёсати, на қонхўр босқинчи ваҳшийлигидан вайрон булади, балки, эл-улус бахти, мамлакат саодати туфайли гуркираб усиб, камолга етаверади. Озодлик, мустақиллик Бухорога ана шундай қайта бунёд булиш саодатини берди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда ўтган XXVIII сессиясида Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё куламида кенг нишонлаш ҳақида расмий қарори қабул қилинди. Президентимизнинг ташаббуси билан юбилейга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Тан бериб айтиш керакки, шу қисқа муддатда 10—15 йилларда бажарилиши мумкин булган улуғвор юмушлар адо этилди. Саккизта сайёҳлик йўналишлари бўйича ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳар ободончилиги мавсумий булмай, бу савобли ишга барча ўзини масъул деб ҳис қилди. 16 та тарихий обида таъмирлашдан чиқарилянти. Айниқса, Мир араб мадрасаси, Кукалдош, Девонбеги мадрасалари ўзгача жозиба бахш этмоқда. Масжиди калонда улкан бунёдкорлик ишлари бажарилиб, Шарқда ноёб обида асл қиёфасига қайтди. Илгари қаровсиз ҳолга келган Лаби Ҳовуз яна маънавият гулшанига айланди.

Меъморий биноларни таъмирлаш осон кечмади. Чунки уларнинг мураккаб меъморий лойиҳада қурилган девору гумбазлари дарз кетган, нураб қолган эди. Аммо Бухоронинг қўли гул усталари ота-боболарининг нафис меъморчилик усулларини ҳар томонлама ўрганиб, нозик сирларини қалбдан ҳис қилиб, маҳобатли гумбазларни, осмонўпар минораю мадрасаларни қайта тикладилар, уларга асл қиёфасини бахш этдилар.

Биз бухоролик усталар билан бир қаторда меҳнат қилган Тошкент, Самарқанд, Қарши, Навоий, Жиззахдан келган таъмирчи усталарга ҳам бугунги байрам арафасида ташаккур айтамиз. Чунки уларнинг иқтидори, нафис санъати, ғайрати ва беминнат ҳиммати билан шаҳримиз янада чирой очди.

Вилоятимиз меҳнат аҳли ҳам юбилей йилида ўзгача руҳ, ўзгача ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Пиллакорларимиз бу йил мамлакатга 2600 тонна кумуш тола етказиб бердилар. Аниқса, дон мустақиллигини таъминлаш йўлида шаҳдам қадамлар қўйилди. Олтин бошоқ фидойиларимиз йиллик режани республикада иккинчи бўлиб уддаладилар. Айни кунда улар 1998 йил галласини экишни октябрь ойида тугаллаш учун курашмоқдалар. Пахтакорларимиз ҳам Бухорининг 403 минг тонналик оқ олтин хирмонини барпо этиш ниятида далаларда фидокорлик кўрсатмоқдалар. Хуллас, вилоятимиздаги 173 та жамоа хўжалиги, 10 та ижара корхонаси, 864 та фермер хўжалиги, ўнлаб-юзлаб корхона ва ташкилотларда тўйга муносиб совға тайёрлаш ниятида меҳнат қилинмоқда.

Шу йилнинг 9—21 июнь кунлари ЮНЕСКОнинг Париж қароргоҳида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари кенг нишонланди. Нуфузли анжуманда Бухорога бағишлаб тарихий маданий кўргазма ташкил этилди. Унда Исмоил Самоний мақбараси ва бошқа меъморий обидаларнинг макетлари, Варахша қалъасидаги девор сурат-нусхаси, Амир Темур учун ипланган шамдон, қадимий китоблар, археологик-қазилмалар чоғида топилган буюмлар, тангалар, ёғоч ўймакорлиги, мис кандакорлиги, зардўзлик ва халқ амалий санъатининг бошқа турларидан намуналар қўйилди. Яна Бухоро ҳақида ҳикоя қилувчи француз тилидаги видеофильм намойиш этилди. Хуллас, Парижда халқ амалий санъати, мусиқа, илмий тадқиқот, ҳужжатли фильм ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган 14 йўналиш бўйича давом этган катта тантаналарда бу ерга йиғилган меҳмонлар янада Бухоро тарихи, маданияти ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилдилар. Шуни алоҳида қувонч билан таъкидлашни истардимки, бугунгача ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига 1 миллиард 700 миллион сўм сарфланган бўлса, шундан фақат 250 миллиони давлат маблағи, қолгани корхона ва ташкилотлар ҳисобидан бўлди. Ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларида минглаб бухородиклар беминнат, саховат кўрсатиб ишладилар.

Энди бевосита байрам кунида ўтказиладиган тадбирларга ўтталсак, тантаналар дастури ниҳоятда қизиқарли. Ўзбекистон халқ артисти, иқтидорли режиссёр Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган Бухоро тарихи ва бугунги кунини ўзида акс эттирган театрлаштирилган катта томоша дастури намойиш этилади. Олимлар, тарихчилар иштирокида Абу Али ибн Сино номидаги маданият саройида «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йиллиқда» мавзуида халқаро симпозиум ҳамда «Бухоро ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» халқаро анжумани ўтказилади. Байрам тантаналарига 50 дан ортиқ хорижий мамлакатлардан меҳмонлар ташриф буюради. ЮНЕСКО ижроқўмининг 13 аъзоси ҳам Бухоронинг азиз меҳмони бўлишади. Замонавий услубда қурилган, барча шарт-шароитларга эга булган тўрт юлдузли «Бухоро» меҳмонхонаси улар хизматида булади.

Шаҳар юбилейига маърифий жиҳатдан ҳам алоҳида тараддуд кўрилди. Олий ўқув юртларида, ўрта мактабларда, барча тарбия муассасаларида, корхона ва ташкилотларда Бухоро тарихи ва маданиятининг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, миллий қадриятларни ишларимизга чуқурроқ сингдириш юзасидан турли учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилди. 2500 йиллик муносабати билан барча ижодкорлар, шоирлар, ёзувчилар, мусаввирлар, санъаткорлар ўртасида Шариф шаҳарга атаб яратилган энг сара асарлар конкурси уюштирилди.

Бухоро тарихини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни акс эттирган китоблар, буклетлар, реклама материаллари тайёрланди. Тарихчи олим В. Ч. Сааковнинг «Бухоро: юз савол ва жавоб», Д. Ҳалимованинг «Бухоро кандакорлиги» китоблари нашр этилди. «Бухоро тарихи: афсона ва ҳақиқатлар», «Бухоро дипломатияси», «Бухоро заргарлик маҳсулотлари», «Бухоро ва Франция» китоблари юбилейга совға сифатида тайёрланди. Мамлакатимиз халқлари юбилей баҳона Шарқнинг илм-маърифат маскани — Бухорони, ўз илдизлари туташган нури жаҳон заминни қайта кашф этдилар. Ҳа, юртбошимиз таъкидлаганларидек **«Ҳеч ким туғилганда миллат ва Ватан танламайди. Аммо киндик қони тўкилган еримиз меҳру муҳаббати илк нафас ила жисми жонимизга киради. Биз умр бўйи шу меҳр билан яшаймиз, шу муҳаббатни улуғлаб, фарзандларимизга муқаддас мерос қилиб қолдирамиз».**

ТОЛЕИМДА БАЛҚҚАН ЮРТ

Муяссар ТЕМИРОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Инсон ҳаётида, камолида у туғилиб вояга етган заминнинг алоҳида ўрни, салоҳияти бўлади. Ҳаётимда, фаолиятимда қандай муваффақиятни қўлга киритган бўлсам, бу аввало жонажон Бухоронинг шони-шуҳратидан деб биламан. Бухорода дунёдаги йирик зардўзлик фабрикаси бор. Бу масканда асрлар оша яшаб келаётган нафис зардўзлик санъатига асосланиб иш олиб борилади. Мен ана шу даргоҳда меҳнатдан бахтимни топдим. Устозим Султон ота Нурматовдан заргарликнинг ута нозик, нафис сирларини ўргандим. 40 йиллик фаолиятим даврида жаҳондаги не-не нуфузли анжуманларда қатнашиб, олтин, кумуш медалларни қўлга киритдик. Халқ рассоми унвонига эришдим. Мамлакатимизнинг олий мукофоти «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган номга сазовор бўлдим. Бу ҳам аслида Бухоронинг шарофатидандир.

Аҳли Бухоро қатори бизнинг «Зардўз» ҳиссадорлик жамиятининг чевар қизлари ҳам қутлуғ айёмга алоҳида тараддуд кўришди. Зар ипаклардан 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришди. Айниқса, заррин иплардан матода акс эттирилган «Минораи калон», «Чор Минор», «Бухоро арки», «Сомонийлар мақбараси» паннолари тўйга ажойиб совға бўлади, деб ўйлайман. Бўйи 2 метр, эни атиги 1,5 метрли бу паннолар байрамга ўзгача руҳ бағишлаб, яна бир марта Бухоронинг дурдона ҳунармандчилик санъатини дунё олдида намойиш этади.

УЛУҒ МЕРОС ВОРИСИМИЗ

Абдулла ҲАКИМОВ,
«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийсининг бош ҳакими

— Бухоро ҳар соҳада ўзининг салоҳиятини намоён этган аллома шаҳар. Қадимдан фаннинг турли йўналишлари бўйича Бухоро мактаби шаклланган. Масалан, Бухоро тиббиёти, Бухоро меъморчилиги, Бухоро зироатчилиги, қўйингки, Бухоро Шарқ маданиятининг қомусий билимларини ўзида уйғунлаштирган маърифий шаҳар.

Бизнинг «Ситораи Моҳи Хоса» санаториймизда ҳам Бухоронинг қўҳна табобатчилик мактабига асосланиб беморлар даволанишади. Маълумки, Шариф шаҳримиздан ўтган ўнлаб донишмандлар инсонларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғайишларига мадад беришган. Биргина Абу Али ибн Синонинг тиббиёт борасидаги мероси асрларга етгулик бебаҳо хазинадир.

Ҳа, бугун бухоролик деган фахрли рутбага эга эканмиз,демак, биз фарзандлар ушбу номни янада эъзозлай билишимиз лозим. Аҳилликда, илмда, туғилган юрт қадри-қийматини англаш асосий мақсадимиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ГАВҲАРИ

Матёқуб МАДАМИНОВ,
Хева шаҳри ва тумани ҳокими

Хоразм дунё маданий тараққиётига салмоқли улуш қўшган, ўзининг бой тарихи, юксак маданияти, ибратли осори-атиқаларига эга булган қадимий диёрдир — XII — XIV асрларда элимизга келган машҳур араб сайёҳлари ва олимлари Ёқуб ал-Ҳамавий ва Ибн Батута «дунёдаги ҳеч бир ўлкада Хоразмдагидек ахлоқи яхшироқ, олижаноброқ ва мусофирпарварроқ элни кўрмадим», деб ҳайратга тушганлари маълум. Бу не шарафки, дунё илм-фанига улкан ҳисса қўшган буюк сиймолар — Муҳаммад ал-Хоразмий,ал-Беруний, Замаҳшарий, Шайх Нажмиддин Кубро ҳамда шеърият бустонида ўчмас из қолдирган, беназир ғазаллар яратган Огаҳий, Мунис, Комил Хоразмий, шунингдек шоҳ ва шоир Саййид Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз шу табаррук заминда таваллуд топиб, камолот чўққисини забт этганлар.

Дарҳақиқат, бундан ўн аср муқаддам муаррих ал-Муқаддасий тарифича «идрок, илм, фиқҳ, қобилият ҳамда билим кишилари» яшаган бу ажойиб ўлка ҳамиша бутун дунё назарида булган. Жаҳон тараққиётининг бебаҳо жавоҳири сифатида ҳамкорлик эшиклари очиб қўйилган маскан бамисоли оҳанрабо бўлиб, юрагида озгина бўлса-да, ўқиб-ўрганишга илинж бўлган кимсаларни бағрига олган, вақтиваҳти билан тақдир тақозоси ила ўз фарзандларини олис юртларга сафарга отлантириб, яна ва яна шуҳрат пиллапоялари оша кўтарилиб бораверган.

Дарвоқе, Ҳиндистон миллий озодлиги ҳаракати раҳбари, йирик давлат арбоби Жавоҳарлаъл Нерунинг қизи Индира Гандига йўллаган мактубида бобоси Хевада мадрасада ўқиганлигини ҳам эслатиб ўтади. Бобокалонимиз Беруний эса узоқ йиллар Ҳиндистонда яшаб, илмий тадқиқотлар олиб борганлигини барчамиз яхши биламиз, лекин қўҳна Хеванинг «Ичан қалъа» музей-қўриқхонасидаги Жумъа масжиди пешайвонини безаб турган 200 тадан зиёд ўйма нақшли устунларнинг бири бундан 700 йил муқаддам Ҳиндистондан келтирилганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Улкан мусиқа архиви топилганлигини эшитиб, бутун дунё санъат аҳли нигоҳи бу қадим ўлкага қаратилганлиги ҳам бежиз эмас. Қарангки, бу «Хоразм мусиқа хати», яъни нотаси ёзуви XII аср гида аждодларимиз эришган ютуқларни ўша даражада давом эттириш имкони мавжудлигини исботладилар.

Тўйга таклиф қилинган кишилар одатда кимникига ва қаерга боришларини билмоқлари даркор бўлгани каби биз ҳам нафақат яратувчилик, маданий-маърифий соҳада ҳам талай ишларни қилиб қўйдик. Ўнлаб китоблар, рисолалар, тақвимлар, альбом ва альманахлар Ҳива тарихи ва бугунидан ҳикоя қилади. Ҳуллас шоиру санъаткорларимиз, рассому киноижодкорларимизга иш топилди. Ҳаммасидан ҳам «Хева» қомусининг яратилиши диққатга молик воқеа бўлди. Ўйлайманки, 20—21 октябрь кунлари юбилей тантаналарида иштирок этадиган меҳмонларимиз Хева ҳақида, Хоразм ҳақида ва умуман Ўзбекистон ҳақида ёрқин таассуротларга эга бўлишлари учун қизғин тайёргарлиқ кўриб қўйганмиз. Шу кунлари «Ичан қалъа» музей-қўриқхонасининг барча ёдгорликлари очиб қўйилади. Асосий тамошалар «Ота дарвоза» рўясида бошланади «Жумъа масжиди»да эса қадимий «Ипак йўли» ёқасидаги шаҳар ўтмиши, бугуни ва эртасига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтади. Бутун шаҳар бўйлаб байрам тантаналарида эл эъзозлаган санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари янграб туради.

Аждодларимиз минг йилликлар билан бўй ўлчай оладиган, замонлар довуллари, босқинларидан утиб ўз шуҳратини тиклай оладиган бир хазина яратганларки, унинг довруги то ҳануз ўчмай келади. Ўйлаймизки, бундан буён ҳам ўчмагай. Наинки, бошимизга қўнган бахт қуши — истиқлол мудроқ қалбларимизни жунбушга келтириб, кўзларимизни очди. Биз дунёни қайта кашф этдик, дунё бизни таниди — асрлар қатида бир вақтлар гуллаб-яшнаган ўлка яна равнақ топа бошлаганлигига, қадам олишлари дадил ва ўзига бўлган ишончи юксак эканлигига ишонч ҳосил қила бошлади.

Истаймизки, ҳар бир ўтган кун миллий давлатчилигимизни тиклаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обру қозониши учун хизмат қилсин.



Қадимий ва ҳамиша навқирон кошоналар.
Б.АЛИМОВ олган сурат.

ЭЪТИРОФ

Буюк туркман шоири Махтумқули Хевада — Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиб, камолга етди, шу ерда боқий туркий сарчашмаларидан, жумладан Навоий меросидан баҳраманд бўлди.

Сапармурод НИЁЗОВ,
Туркманистон Президенти.

* * *

Бухоро ва Хева минг йиллар муқаддам умуминсоний маънавий меросини бойитган улкан марказ бўлган, бу шаҳарлардан жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган буюк алломалар етишиб чиққан.

Федерико МАЙОР,
ЮНЕСКО бош директори.

* * *

Хева — бу очиқ осмон тагидаги музей. Мен дунё сарҳадларини кезиб юриб унга тенг келадиган музейни кўрган эмасман.

Артур РАЕШТАМ,
америкалик олим.



Ватан — Ўзбекистон жаннатдир, зеро,
Ул жаннатнинг — иймонисан, Бухоро.

Рустам ШАГАЕВ олган сурат.

БАЙРАМ САБАБ БЎЛДИ

Бекпўлат МАТЁҚУБОВ,
«Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

Хева шаҳрининг 2500 йиллигига ҳозирлик жараёнида Хоразмда троллейбус саройининг қурилгани, тез орада Урганч — Хева йўлида троллейбус қатновни йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғланиб кетганлиги бежиз эмас. Эндиликда воҳанинг икки қадим шаҳри ғуё бир-бирига туташ ва уйғунлашганидек елкадош бўлиб қолди. Йўловчиларнинг узоғи яқин, юки енгил бўлди. Бу биз учун бахтдир.

Шу ўринда таъкидлашим лозимки, эллик ўринли троллейбус саройи, вокзалдан тайёрагоҳгача, шунингдек, Урганч — Хева йўналишлари бўйича бунёдкорлик ишларида шаҳарлараро автокорхоналар жамланмалари ҳам баракали улуш қўшдилар. Бунинг учун шаҳар ва вилоят ҳокимлиги ишда маром бўлишмаслиги учун барча шарт-шароитларни яратиб бердилар.

Байрам баҳона файзу тароват касб этган юртимиз жамоли кўз олдимизда гавдаланиб, булар мустақиллик шарофати эканлигини ҳис қиламан. Беихтиёр Инсон манфаатлари йили чини билан одамлар орзу-армонларининг ушалиш йилига айланиб бораётганлиги шу эмасмикан, деган саволни ўз-ўзимга бераман.

Халқ орасида «тўй бўлган хонадонга пирлар мадад беради» деган гап юради. Шунинг учун ҳам юртимизда кунда тўй бўлсин, дейман.

СОВҒАЛАР СЕРОБ

Раҳимберди МАТЧОНОВ,
Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофоти совриндори

— Айтишим лозимки, 90 ёшимда истиқлол туфайли қадр топдим. Камтарона меҳнатларим шу қадар юксак баҳоланди. Менга маълум бўлишича, хонадонимиз — отам, бобом, бобомнинг бобоси, қўйинг!чи, 300 йиллдан бери чинничилик ва кулолчилик билан шуғулланиб келади. Мен буни табиий ҳол, деб биламан. Хоразм аҳли азал-азалдан ҳунаранд—дунёнинг қарийб барча минтақаларига уларнинг санъати намуналари етиб борган. Билишимча, кулолчилик воҳада милоддан аввалги асрлардаёқ кенг тарқалган.

Дарвоқе, мен бунёд этган бир қанча асарлар ҳозирда Америка, Англия, Франция, Италия, Испания, Малайзия, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларнинг нуфузли музейларида сақланмоқда. Шогирдларим нафақат Хоразмда, бошқа вилоятларда, ҳатто қўшни мамлакатларда ҳам кўп. Хусусан, «Хева сополи» ҳиссадорлик жамиятида ҳам талайгина шогирдларим ишлайди. Улар қадим шаҳарнинг 2500 йиллигига атаб кўплаб совғалар тайёрлаганидан хабарим бор. Шунингдек, «Хева гилами» ҳиссадорлик жамиятида ҳам байрамни муносиб кутиб олишяпти. Бинобарин, тўйга ташриф этган меҳмонларимиз қуруқ қўл билан қайтишмайди. Эсдаликка деб олиб кетишлари учун бу ерда арзигулик совға-саломлар истаганча топилади.

Саҳифа материалларини Амина ҚОДИРОВА ва Зайниддин РИХСИЕВ тайёрлашди.

ШИФОБАХШ «ГИЁҲ»

Бундан 20 йил муқаддам Бухоро вилоят шифохонаси қошида «Гиёҳ» деб номланган бадиий гуруҳ тузилган эди. Маълумки, шифобахш малҳамлар, дармондориларнинг кўпчилиги гиёҳлардан олинади. Бу ансамбль ҳам рамзий маънода беморларни завқлантириб хасталикдлардан халос этиш учун тузилганди. Йиллар ўтиб бадиий жамоа камолотга етди, бир қатор ҳорижий мамлакатларда бўлди. Халқ ансамблини, айниқса, Германия ва АҚШ томошабинлари катта таассуротлар билан қаршиладилар. Ниҳон Отамуродов, Зариф Очилов, Жалол Авлиеқулов, Нодир Каримов, Аҳаджон Турсунов ва Комилжон Авазовлар ижросидаги миллий қўшиқлар хорижликларга ўзгача завқ бағишлади. Америкалик қўшиқ шинавандаларида бухоролик шоирлар Самандар Воҳидов, Аҳмаджон Самадов ва Иброҳим ота Қосимов шеърларига басталанган қўшиқлар томошабинларда беҳад қизиқиш уйғотди. Халқ ансамбли шу кунларда Бухоронинг 2500 йиллик муборак тўйига тайёргарлик кўрмоқда. Истеъдодли раққосалар Насибахон Нурова ва Фарангиз Отамуродоваларнинг жозибали рақслари шаҳар тўйига ташриф буюрган меҳмонларга ажойиб совға бўлади.

Юбилейга жамоамиз катта ҳозирлик кўрди, — дейди «Гиёҳ»нинг бадиий раҳбари Ниҳон Отамуродов. — Репертуаримиздан миллий қўшиқлар билан бирга хорижий халқлар оҳанглари ҳам ўрин олган. Саҳна учун кийимларимизни Нозимабегим фирмасининг чеварлари тикишди. Ансамблимизни «Фанун» фирмаси ўз ҳомийлигига олган.

Дарвоқе, «Гиёҳ» халқ ансамбли кўп йиллик ижодий фаолияти давомида ўзининг бетакрор концертлари билан доврўг таратди. Бадиий жамоа Бухоро санъатини жаҳонга ёйишда ҳам баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ.

АРТУРНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Сўнгги йилларда профессионал бокс бўйича икки маротаба жаҳон биринчилигини қўлга киритган ватандошимиз Артур Григорян яна ўз мухлисларини қувонтирди.

Кўпчилик Артурнинг зафар қучишига кўникиб қолган бўлса-да, Германиянинг Котбус шаҳридан келган хушхабар бокс мухлисларини қувонтирмай қўймади. Артур бу ерда «интерконтинентал чемпион» («Қитъалараро чемпион») номи билан донг тараттан америкалик Дэвид Армстронг билан куч синашди.

Профессионал бокс қоидаларига кўра, кураш ўн икки раунд давом этди. Аввалги учрашувларда оғир жароҳатланган бўлишига қарамай, ана шу ўн икки раунд давомида Артур ўз рақибига мунтазам равишда ҳужум қилиб турди. Бу эса ўз навбатида унинг керакли очколарни олишига сабаб бўлди. Мусобақа якунида ҳакамларнинг бир овоздан қабул қилган қарорига кўра, ўзбекистонлик боксчи ғолиб деб топилди.

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН

Фельетон

Шикоят хат юзасидан Риштон туманидаги М. Топиболдиев номли шифо масканига бордик. Икки қаватли хонада оқ халатли бош ҳаким ўтирибди. Хонага кирганимизда бошлиқ саломга алик олмасдан дўқ-пуписага ўтди: «Сиз ҳам «душманларим» хатини текширгани келгандирсиз, хонадан чиқинг, «Ўзжамоахўжаликсиҳатгоҳ» бирлашмаси раиси Раҳима Аминжоновадан рухсат олиб келмасангиз бирорта саволингизга жавоб бермайман», деди ҳаким.

Унга журналистлар ҳуқуқи ҳақидаги қонунни ётиги билан тушунтирдик. Шундан сўнг бош ҳаким сал ён берди, «Бундай қонунлар борлигини билмас эканман», деди у.

Шикоят хатидаги далилларни бош ҳаким Мухторжон Сиддиқов билан очиқчасига, юзма-юз таҳлил қилишга киришдик.

— Санаторий автобуси ҳайдовчиси Ҳабибулло Маматовни шу хонангизда, милиция участка нозири олдида юзига тескари шапалоқ тортиб юборибми, оғзи-бурнини қонга тўлдириб, тан жароҳати етказиб, Риштон туман судининг 1996 йил 9 октябрдаги қарори билан 1100 сўм жарима тўлаб қутилиб чиққанингиз ростми?

— Рост, жоҳиллик қилгандим ўшанда...

Мухторжон Сиддиқов 1955 йилда туғилган, ихтисоси тиш даволаш шифокори, илгари раҳбарлик лавозимларида ишламаган. Республика «Ўзколхозздравница» бирлашмасининг 1995 йил 26 сентябрдаги 38-сонли буйруғи билан М. Топиболдиев номли шифо масканига бош ҳаким этиб тайинланган.

Савол: — Иш фаолиятингизнинг биринчи куниёқ, меҳнат таътилида бўлган 15 нафар ходимларни ишдан бўшатиб, улар меҳнат таътилидан қайтгач, аввалги лавозимларига ишга қўймасдан, сарсон-саргардон қилганингиз тўғрими?

— Амалдаги меҳнат қонунлари талабини яхши билмасдан ходимларни ноқонуний ишдан четлаштирганим, тўғри.

— Дунёда баҳона қидиришдан осони йўқ. Аммо, шамол бўлмаса дарахтнинг барги силкинмайди. Бош ҳаким Мухтор Сиддиқовнинг билса ҳам билмасликка олиб, бегуноҳ ходимларни ишсиз қолдиргани, руҳий, маънавий ва моддий зарар етказиш ходимлар қалбида ўчмас доғ бўлиб қолди.

Ишсиз, моддий ҳимоясиз қолган ходимлар 1996 йил март ойида вилоят, туман агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига, вилоят ҳокимлигига, туман прокурорига хат ёзиб мурожаат қилдилар. Ариза текширилганда: ошхона хизматчиси Қундузхон Собирова шифо маскани маъмуриятининг 1995 йил 10 октябрдаги 27-сонли буйруғига асосан 23 октябрдан 20 ноябрга меҳнат таътилида бўлган, таътилдан қайтгач, ишга қўйилмаган, 7 ой ишсиз, руҳий, моддий азобланган. Қ. Собирова бу масканни тарк этишга мажбур бўлган. Маъмуриятнинг 1996 йил 12 июндаги 16-сон буйруғида Қ. Собирова ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатилди, деб нотўғри ёзилган. Аслида Қ. Собирова аризасида ишлашга имконият беришмаяпти, кетишга мажбурман, деб ёзган.

Автобус ҳайдовчиси Умарали Собиров, Валижон Азимов, фельдшер Мирзаумар Ҳасанов, тиш даволаш ҳакими Ҳошимжон Қодиров, ошпаз Холисхон Исроилова, ҳамшира Меҳрихон Назарова, тракторчилар Равшан Ғойипов, Содиқ Мирзаабдуллаевлар таътилдан қайтгач иш билан таъминланмадилар. Текширишларда шикоятда кўрсатилган камчиликлар ўз тасдиғини топди. Риштон туман прокурори Н. Тўхлиев 1996 йил 4 апрелдаги «6-3д-96» амирномасини, вилоят агросаноатмажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Қ. Мелиқўзиев 1996 йил 12 апрелдаги 2—5-ёзишмасини шифо маскани бош ҳакими М. Сиддиқовга юбориб меҳнат қонунлари бузилишига йўл қўймасликни талаб қиладилар. Бироқ бош ҳаким Сиддиқов масалани адолатли ҳал этиш ўрнига кўзбўямачилик қилиб, ноқонуний буйруқлар чиқартирди, очиғи ҳуқуқ ташкилотларини ёлғон жавоблар билан лақиллатди. Прокурор амирномасидан сўнг 1996 йил 10 апрелда 8-буйруқ чиқарилиб Х. Исроилова, Қ. Собирова, У. Собиров, В. Азимов, М. Ҳасановлар ишга тикланди, аммо, ўз вазифасига эмас, бошқа ишларга тайинланди, ҳайдовчи У. Собиров ва В. Азимовга мажбурий прогуллар учун иш ҳақи ҳисобланди, деб буйруқ берилди. Улардан қўчирмалар талаб қилинган ташкилотларга жўнатилди. Афсуски, шикоятчилар мазкур буйруқ билан ўз вақтида таништирилмади. Орадан озгина вақт ўтар-ўтмас, 1996 йил 30 апрела 10 ва 15-буйруқлар чиқарилиб, ишга келмади баҳонасида юқорида исмлари қайд этилган ходимлар яна ишдан бўшатилди. Уларнинг меҳнат дафтарчалари почта орқали уйларига жўнатилди. Ариза ёзишлар эса давом этаверди. Бош ҳаким яна қалбаки ишларга қўл ураверди. Ишдан бўшаганлар ўрнига қариндош-уруғларини, таниш-билишларини ишга жойлаштирди. Тоғасининг ўғли Аъзам Этамбердиевни тиш даволаш ҳакими этиб, опасининг ўғли Уктам Аҳмедови бош ошпаз этиб, олтиариқлик таниши Малоҳат Ибрагимовани бош ҳамшираликка тайинлади. Энг қаттиси опасининг келини Феруза Нуриддинованинг ҳужжатларини сохталаштирди. Феруза Нуриддинованинг исми-шарифи турмушга чиқмасдан аввал Тешабоева Феруза Йўлдошевна бўлган, келин бўлгач, эрининг фамилиясига ўтган. Феруза шифо масканига ишга келгунча С. Ражабов номли жамоа хўжалиги боғчасида қоровул бўлиб ишлаган, унинг бирдан-бир орзуси шифокор бўлиш эди. М. Сиддиқовлар оиласига келин бўлди-ю, Феруза-нинг орзуси ушалди. Бош ҳакимнинг катта келини Одина Ниёзова 1992 йил 2 мартда Наманган тиббиет билим юртини тамомлаб 354045 рақамли диплом олган эди. Феруза Нуриддинова овсининг ана шу дипломидан нусха кўчиртириб Одина Ниёзова исми-шарифи ўрнига ўзининг фамилиясини ёздиртириб, диплом нусхасига аслига тўғри, деб сохта имзо ва шифо масканининг муҳрини бостирди. Кўрибсизки, бир зумда фельдшерлик ихтисоси бўйича 354045 рақамли дипломга эга бўлди-қолди. Шу қалбаки диплом асосида бош ҳаким М. Сиддиқов келинига маъмуриятнинг 1996 йил 3 июндаги 15-сонли буйруғини чиқариб, имзо чекиб, Феруза Нуриддиновани шифо масканига тиббиет ҳамшираси этиб тайинлади. Буниси етмагандек, дипломли кишиларга иш йўқ, штатлар қисқарган, деб баҳона қилган бош шифокор Ферузани 1997 йил 5 мартдаги 8-сонли буйруқ орқали қўшимча навбатчилик ишига ҳам қўяди. Феруза Нуриддинова қариндошининг паноҳида сохта диплом билан 16 ой ишлаб давлатнинг 20085 сўм пулини қуритдек қилиб олди.

— Бу сохта ишга қандай жўръат этдингиз, — сўрадик бош шифокордан.

«Ўзим ҳам билмай қолдим» дейишдан нарига ўтмади у.

Қиғир, қалбаки ишларни бажариб юриш Мухторга одат бўлиб қолган экан. Қизи Марғуба Сиддиқованинг шифо масканига ҳеч қандай даҳли бўлмаса ҳам, у бу ерда ишламаса ҳам, лекин меҳрибон ота қизнинг уқишга киритиш муаммосини шифо маскани маблағи ҳисобидан пинҳона, ими-жимида ҳал этди. Ҳали шартнома имзоланмасдан туриб, бош шифокор 1996 йил 19 сентябрьда 102-тулов ҳабарномаси билан Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий ишлаб чиқариш марказига пахта-банк орқали 15 минг сўм ўтказди. Бу маблағ шифохона ҳисоб-китоб дафтарида қайд этилмади, тўлов ҳабарномаси нусхасини ҳисобхочага топширмади. Шундан сўнг М. Сиддиқов ўқув маркази билан шифохона номидан шартнома имзолаб, жимжимадор имзо чекди. Аммо сир очилиб қолишидан ҳадиксираб шартномага муҳр босмади. Сохта шартномага ўқув маркази директори ўрнига декан Сайид Айниддинов имзо чекди. Қизи Марғуба Сиддиқова эса бир йил ўтмасдан ўқишни тарк этди. Шифо маскани беҳудага 15 минг сўмга тушиб қолди. Бели оғримаганни нон ейишини-кўр, деб шунга айтишади-да.

Шикоятда, бош ҳаким икки йиллик иш фаолияти даврида шифо маскани ҳовлисига бирор туп дарахт, қўкат эктирмасдан, мавжуд дарахтларни кестириб атрофини қуритаётгани кўрсатилганди. Ҳақиқатдан ҳам бош ҳаким шифо маскани ҳовлисидаги 15 туп катта-катта чинорни, 5 туп теракни, 4 туп толни кестириб, биринчи навбатда ўз уйи қурилишига ишлатган. Бош ҳаким М. Сиддиқов лурадгор устага дарвоза ясаб бериш учун бир куб метр чинор тахта ва ёғоч олиб келиб берган ва у буюртмани бажарган.

— Қолган ёғоч-тахталар қаёққа ғойиб бўлди? — сўрадик бош шифокордан.

— Риштон туманидаги «Имконият» кичик корхонаси билан «Ишим» радиоузелини ўрнатиб бериш учун 37009 сўмга шартнома тузгандик. Уларга бажарган иш ҳажмига қараб 25528 сўмни банка орқали ўтказиб бердик. Қолган 11481 сўмига толтерак ёғочлар берганмиз, аммо шу ёғочлар харажатини ҳисобхона орқали ҳужжатлаштирмаганмиз. Натижада 11481 сўмнинг ўрни йўқ. Ун қўбметр чинор ёғочини Қува таъмирлаш-механика заводига топшириб, эвазига 3 та электрмоторини, битта насос олганмиз, — дейди у.

«Имконият» кичик корхонаси директори Актамжон Қодировдан сураганимизда у шифо масканидан ёғоч материаллари олмаганини баён этди.

Бош ҳаким ўзбошимчалик қилиб, рухсатсиз дарахтларни кестиргани учун Фарғона вилоят хўжалик судининг 1996 йил 31 октябрдаги қарори асосида ташкилот ҳисобидан 65 минг сўм жарима тўлади. Туман суди қарорига мувофиқ М. Сиддиқовнинг ўзига 750 сўм, хўжалик ишлари бўйича мудири Мусажон Эргашевга 500 сўм жарима солинди. Ўзбилармонлик билан қилинган қиғир ишлар шифохонага жуда катта зарар етказмоқда.

Бир гуруҳ тиббий ходимлар бош шифокор Мухтор Сиддиқов касал бўлганлиги учун даволаш масканида ишлаши мумкин эмас, деган талабни қўймоқдалар. Маълум бўлдики, М. Сиддиқов 1986 йилдан бери Фарғона вилоятидаги махсус диспансер ҳисобида туради. ЦВККнинг 1997 йил 10 февралдаги хулосасига кўра, унга 6 ойда бир марта тиббий кўрикдан ўтиб туриб, ишлашга рухсат этилган.

Ҳакимларнинг ўз малакасини оширмаслиги, баъзи ҳамшираларнинг сохта ҳужжат асосида ишлаши натижасида шифо масканида тиббий хизмат кўрсатиш талабга жавоб бермай қолди. 1-бино косметик, 2-бино мукаммал таъмирлашга мухтож, иситиш тармоқлари қишки мавсумга тайёрланмаган. Физиотерапевтик ва биологик усулларда даволаш сифатсиз, 5 та ингалятор аппаратидан 3 таси ишламайди, тиббий ёрдам кўрсатиш шкафида дори-дармонлар етарли эмас. Беморларнинг касаллик варақалари тўлиқ тўлдирилмаган. Атрометрик кўрсаткичлар даврий равишда қайд этилмаган. Катта ҳамшира И. Иброҳимова, Ф. Нуриддинова ўз ишлари вазифаларини тўлиқ билмайдилар. Ўқаловчи Ринат Минасбиев текширув кунигача беморларнинг ярмига ҳам хизмат кўрсатмаган. Тиббий журналлардаги келди-кетди ёзувлар тўлиқ эмас. Бош ошпаз Уктам Аҳмедов, катта ҳамшира М. Иброҳимова менюларга қўл қўймайди, овқатлар сифатсиз. Даволанувчиларнинг санаторий-курорт картаси тўлиқ эмас. Тиббий ҳужжатлар фақат йўлланма ва «Ф-027-у» касаллик тарихидан кўчирма орқали қабул қилинмоқда.

Шифо маскани ҳисобида 14 та ҳар хил русумли автомашиналар ва тракторлар мавжуд. Улардан шартнома асосида фойдаланиш қонун-қоидалари қўпол равишда бузилмоқда. Ҳайдовчилар топширган пулларнинг бир қисми ғазнахонага кирим қилинмасдан, ишлатиб юборилаётир. Шифо маскани ҳисобидаги «Белорус» ер қазийдиган трактори туман қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш бирлашмасига рухсатсиз, алмаштириш учун топширилиб, унинг ўрнига «Т-40» трактори олинган. У шифо маскани ҳисобига кирим қилинмасдан, бош ҳакимнинг акаси Олимжон Раҳматовга бериб юборилган. Ҳар иккала ташкилот ўртасида алмаштириш учун шартнома тузилмаган, тракторларнинг баланс қиймати қайта ҳисоблаб, баҳоланмаган. Натижада «Т—40» трактори изсиз ғойиб бўлди.

Шифо маскани ғазнасига кирим қилинган нақд пуллар 1995 йил октябрдан 1997 йил 27 августгача ҳужжатларига солиштирилганда фарқи борлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 июндаги 356-қарорида нақд пулларни ташкилот, муассаса ва корхоналар иш ҳақларига, унга тенглашадиган тўловлар; пенсиялар, нафақалар ва стипендияларга тўлашлиги кўрсатилган. Аммо мазкур шифо масканида бу қарорга амал қилинмаётир. 1995 йилнинг 4 кварталида ижара ҳақида ва бошқа тушумлардан 20455 сўм ғазнага кирим қилиниб, шундан банкга 7523 сўми топширилган. Қолган 12932 сўми хўжалик харажатларига сарфланган. 1996 йилда тушумлардан 150638 сўми ғазнага кирим қилиниб, шундан банкга 3846 сўм ўтказилган. Қолган 146792 сўми бош ҳакимнинг кўрсатмаси билан хўжалик харажатларига нақд сарфланган. 1997 йилнинг ўтган олти ойида ижара ҳақи ва бошқа тушумлардан келган 98218 сўм пулнинг 68830 сўми нақд харажатларига ишлатилган. Натижада ғазнахонага кирим қилинган 269311 сўм тушумлардан бор-йўғи 40757 сўми банкга топширилиб, қолган 228554 сўм хўжалик харажатларига сарфлаб юборилган. Бу ерда молия-қонун-қоидалари бузилган, даромадлар солиқдан яшириб қолинган. Бундан ташқари КАВЗ автобуси ҳайдовчилари топширган 1200 сўм пул ғазнага кирим қилинмасдан бензин харид қилишга сарфланган. Бош ҳаким М. Сиддиқов 1996—1997 йилларда буйруқсиз бир неча марта Тошкентга сафарга бориб келган, сафар харажатларига кунлик учун энг кам иш ҳақи миқдоридан ҳисобланмасдан, бош ҳакимнинг ойлик иш ҳақидан ҳисобланиб, 2272 сўм ортиқча ҳақ туланган. Бош ҳисобчи М. Болтабоева ҳам сафар харажатларига шу тарика 1300 сўм ортиқча ёзиб берилган.

Бош ҳаким ва бош ҳисобчининг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида тушумлардан даромадларнинг каттагина қисми ҳисоботларда кўрсатилмасдан, солиқдан яшириб қолинган. Туман давлат солиқ инспекциясининг соҳага мутасадди ходимлари келишувчилик қилиб, асосий даромадларни солиқдан яширган шифо маскани раҳбари ва бош ҳисобчисини жазога тортмаган. Оқибатда шифохонанинг солиқ бўйича қарзи икки баробар қўпайиб кетган. Бу маскандаги нуқсонларни кўрсатадиган бўлсак, ечимини кутаётган муаммолар беҳисоб...

Тааджуби шундаки, бош ҳаким молия, меҳнат, экологик қонун-қоидаларни қўпол равишда бузса, қатор қиғир ишлар содир этаётган бўлса, нега энди «Ўзжамоахўжаликсиҳатгоҳ» бирлашмаси раиси Раҳима Аминжонова уни ҳимоя қилмоқда?! Бундан беш ой илгари ишдан бўшатилган тиббиёт ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этган Фарғона вилоят ҳокимлигининг согломлаштириш комиссияси шикоятларни текширтириб, жуда қўплаб ноқонуний ишларни содир этган бош шифокор М. Сиддиқовни лавозимидан четлаштириш ҳақида «Ўзжамоахўжаликсиҳатгоҳ» бирлашмаси раиси Аминжонова мактуб йўллаган эди. Аммо не сабабдан бирлашма раҳбарлари шифо маскани бош ҳакимининг қилмишларидан кўз юмиб, вилоят ҳокимлиги согломлаштириш комиссияси мактубига жавоб бермади. Ҳатто, 1997 йил 8 сентябрда Р. Аминжонова иштирокида бўлган шифо маскани касаба уюшмасини йиғилишида у маъруза қилиб, бош ҳаким М. Сиддиқов устидан тушган шикоятларни текширтирмасликка ваъда бериб, йиғин аҳлига ноҳақ-қоний фикр билдирди. Афсуски, йиғилишда иштирок этган бош ҳакимнинг қариндош- уруғлари, тарафдорлари унинг хўжалик, молия фаолиятидаги хатоликлардан мутлақо бехабар эдилар. Мана, энди суянчиқдан ҳаволанган бош ҳаким «йиқилсанг кўтариб, қоқилсанг суяб қўяринг бўлса, мушугингни ҳеч ким пишт ҳам демас» деб хиргойи қилиб юрибди. Ўйлаймизки, тирговучни ҳам, тиранувчини ҳам енгувчи адолатли куч бор. Унинг қудрати ўзи хон — қўланкаси майдонларга ҳам етади.

Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.

Боғча — болаларни камолот йўлига бошловчи муқаддас даргоҳ. Бу ерда кичкинтойлар нафақат яйраб ўйнаб, мириқиб дам оладилар, балки ўқиш, ёзишни ҳам ўрганадилар, — дейди Муборак туманидаги «Олтин калитча» болалар боғчаси мудираси Гулчеҳрахон Ёмғирова. У раҳбарлик қилаётган жажжилар масканида айни кунда меҳнаткашларнинг 220 нафар фарзандлари тарбияланмоқда. Ширинсўз, меҳрибон тарбиячилар ҳамиша улар атрофида парвона.

СУРАТДА: боғча мудираси (чапда иккинчи) Г. Ёмғирова тарбиячилар билан суҳбатда.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ!

Кунларнинг бирида Иммомийлардан Жаъфар ас-Содиқ сафарга кетаётиб бир дарвишга дуч келди ва унга ҳадя қилар экан:

— Мени дуо қил, — деди.

Шунда дарвиш :

— Эй Тангрим, ушбу бандангни умрини зиёда қилиб, минг йил умр ато эт, — деб дуо қилди.

Жаъфар ас- Содиқ:

— Эй дарвиш, мен учун минг йил яшаш — минг йил азоб чекиш эканини билганингда эди, мени бундай дуо қилмаган бўлар эдинг, — деди.

Шунда дарвиш:

— Ҳеч бир инсон Олло Таолло буюрганидан бир дақиқа ҳам ортиқ яшай олмайди. Менинг минг йил яшагин деганим, сенинг қилган яхшиликларингни эл-юрт минг йиллар мобайнида эслаб юрсин, деганимдир, — деб жавоб берди. Бу гапни эшиттач, Жаъфар ас-Содиқ яна бир ҳамён ҳадя қилиб:

— Доимо мени дуо қилиб юр, — деб йўлида давом этди.

Шоилёс ШОҲАЙДАР ўғли.

МЕҲМОНЛАР УСТУНЛИГИДА

Олий табақа жамоаларининг йигирма тўққизинчи тур учрашувлари ҳар қачонгидан ҳам шиддатли кечди. Ўтган йилги биринчилик ғолиби «Навбаҳор» қитъа кубок эгалари кубоги баҳсларида қатнашуви муносабати билан наманганлик футболчиларнинг «Пахтакор» билан беллашуви кейинга қолдирилди.

Пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоаси бундан унумли фойдаланди. Кучлилар сафида қолиш учун астойдил ҳаракат қилаётган «Янгиер» қаттиқ қаршилик кўрсаттанига қарамай, мезбонлар 4:2 ҳисобида устун келишди. Бу ғалабадан сўнг «Дўстлик» яна учинчи поғонага кўтарилиб олди.

«Хоразм» ва «Нефтчи» ўртасидаги учрашув ҳам кескинлиги билан ажралиб турди. Урганчликлар ҳисобда олдинга ўтганларидан сўнг мухлислар қалбида «Хоразм»нинг зафар қучишига умид уйғонган эди. Лекин мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони пировард-натижада беллашувни ўз фойдасига ҳал қилишди — 2:1.

Бу йилги пешқадам МҲСК ўз майдонида тўп суриб, «Сурхон»ни дога қолдирди. Армиячилардан Р.Абдуллаев, Д.Ивангородский О.Усмонхўжаев ўзларини кўрсатишди. 55-дақиқада термизликлар ўн бир метрлик жарима тўпидан сўнг орадаги фарқни қисқартишга муваффақ бўлганларидан сўнг кураш кескинлашмайдигандек туюлганди. Амалда эса ҳеч қайси томон бунга эриша олмади.

Футбол

Жадвалнинг қуйи қисмидан жой эгаллаб турган «Чилонзор» ва «Афросиёб»нинг аҳволни ўнглашлари амри маҳолдек кўринаётганди. Лекин бу иккала жамоанинг ҳам сафарда ғалабага эришганлиги уларнинг мавқеи анча яхшиланишига олиб келди. «Афросиёб» сўнгги ўринда бораётган «Атласчи»дан устун келган бўлса (2:0), «Чилонзор» кейинги ўринларда кўтаринкилик билан тўп сураётган «Насаф»ни дога қолдирди — 2:1.

Бу мағлубият сафарда «Трактор» устидан айни шу ҳисобда зафар қучган «Бухоро»га саккизинчи ўринга кўтарилиш имконини берди. Умуман таъкидлаш жоизки, мазкур тур учрашувлари меҳмонлар устунлигида якунланди. Улар саккиз ўйиннинг бештасида ғалаба қозонишди. Тўплар нисбати ҳам меҳмонлар ҳисобига — 14:13.

XXIX турдан сўнг командаларнинг мавқеи

Жамоа	Ўйин	Очко
1. МҲСК	29	75
2. «Нефтчи»	29	71
3. «Дўстлик»	29	59
4. «Навбаҳор»	28	56
5. «Пахтакор»	28	53
6. «Зарафшон»	29	42
7. «Сўғдиёна»	29	42
8. «Бухоро»	29	41
9. «Насаф»	29	40
10. «Сурхон»	29	34
11. «Хоразм»	29	33
12. «Трактор»	29	32
13. «Андижон»	29	30
14. «Косонсой»	29	30
15. «Чилонзор»	29	27
16. «Афросиёб»	29	27
17. «Янгиер»	29	24
18. «Атласчи»	29	20

Ш.АЛЛАМОВ.

КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Агар Сиз мулкдор бўлишни, бойлигингизга бойлик қўшилишини хоҳласангиз ва фарзандларингизнинг нурли келажагини таъминлашни истасангиз республика Кўчмас мулк биржаси билан ҳамқорлик қилинг.

КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИДА ШУ КУНЛАРДА:

— Уй-жой қуриш учун ер майдонлари;
— автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;
— қурилиши тугалланмаган бинолар;
— банкротга учраган турли корхоналар;
— ўрта ва кичик корхоналар;
— савдо ва маиший хизмат шохобчалари;
— «Узмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тасарруфидаги турли кўчмас мулклар;
— ҳар хил русумдаги, юк ва енгил автомобиллар;
— токзорлар, мевали боғлар;
— фойдаланилмаётган ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар;
— уй-жойлар.

САВДОГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Сиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги кўчмас мулкларни, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган турли русумдаги техникалар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни

харид қилишингиз мумкин.

Шунингдек, Кўчмас мулк биржасида «Узғўштсутсаноати» тасарруфидаги мамлакатимизнинг барча вилоятларида жойлашган чорвачилик мажмуалари, бўрдоқичилик ва гўшт етиштириш хўжаликлари, чўчқачилик фермаларини сотиш йўлга қўйилган.

Кўчмас мулк биржаси 1997 йилдан мамлакатимиздаги кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорига киришган. Агар Сиз, бирор мулкингизни сотмоқчи ёки харид қилмоқчи бўлсангиз Кўчмас мулк биржаси ишончли ҳамкорингиздир.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 8-уй.
Ўзбекистон Биржалар маркази биноси.
Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-79-62.
Факс: 136-15-32, 136-26-26.
Вилоятлардаги юртдошларимиз ҳар бир вилоят марказидаги Кўчмас мулк биржаси филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эрқул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Миргиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0658, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 3 4 6.